



HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2017-yil 22-noyabr, chorshanba * № 47 (1058) * 1996-yil dekabr dan chiqqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

Китоб бор жойда қалб уйғонади

Халқимиз "Бир болага етти маҳалла ота-она" деб бежиз айтмаган. Маҳалладагилар аҳоли ўртасида китобхонлик савиясини юксалтиришга юксак маданий иш деб қараётгани таҳсинга лойиқ. Китоб қанчалик кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланса, шунча юксак орзулар, янги ғоялар, фикрлар ва оламшумул кашфиётлар оламида яшаймиз.

⇒ 2-бет

Кичик туйнукнинг катта муаммолари

Хар кун кўчага чиқарканмиз, автоуловларнинг кўплигидан тирбандликлар юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Бозорларга яқин ҳудудлар учун бу одатий ҳол. Айниқса, "Ипподром" деб аталмиш учта савдо бозори жам бўлган масканда. Чунки бу ернинг тирбанд бўлмаган куни, соати йўқ. Қачон борсанг, бир хил манзарага кўзинг тушади.

⇒ 3-бет

Талантнинг ўзи кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак!

Адабиётнинг фидойиси бўлган ҳақиқий муҳаррирнинг кўлига тушганида китоб сифатида чоп этишга нолойиқ топилиши аниқ бўлган қофияли тизмалардан ана шу тахаллусгина ярқ этиб кўзга ташланади. Китоблардаги баъзи жумлаларни тушунмаган бўлсам, айримларини ўқиб, лабимга учуқ тошишига сал қолди.

⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

2017 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Республика олий таълим муассасалари бакалавриятга кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини имзолади.

2017 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини имзолади.

2017 йил 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 17 ноябрь куни "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини имзолади.

Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни пойтахтимизнинг Сергели туманида куриб битказилган янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари билан танишди.



"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам кўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Конституциямиз халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштириган муҳим манба десак ҳам муболага бўлмайди. Одатда кўп давлатлар Конституциялари нуфузли экспертлар, депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгра парламентда қабул қилинади. Бундай ҳужжатлар мутахассис нуқтаи назаридан юқори баҳоларга сазовор бўлса-да, унда халқчиллик, халқ руҳияти етишмайди. Айрим давлатлар ҳатто ўз Асосий қонунларини референдумда, халқ иштирокида қабул қилинган билан фахрланишади.



У.А. олган сурат

КОНСТИТУЦИЯ

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИЯ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНING КАФОЛАТИ

Албатта, бу энг олий даражадаги қарор ҳисобланади. Бироқ, бундай жараёнда халқ олдида фақат икки саволдан бирига жавоб бериш имконини бундан: Конституция матнини ё тасдиқлаш ёки рад этиш. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хослиги шундаки, у 2 мартаба халқ муҳокамаида халқимиз хоҳиш-иродаси билан бойитилди. Умумхалқ муҳокамаи давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Фақатгина Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар туш-

ган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига, яъни лойиҳадаги 127 моддалан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилган. Дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги моддалар киритилган.

Ушбу жараёнда иштарок этган мутахассисларнинг таъкиллашларича, таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, иқтисодий ҳуқуқлар, жумлалан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва талбиркорликни ривож-

лантириш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боллар ва бўлимларга тааллуқли бўлган. Қайд этиш жоизки, мустақил Ўзбекистон тарихида Конституциямиздек кенг муҳокама бўлган қонун мавжуд эмас. Асосий қонунимиз нафақат ҳар

бир вилоят ва Тошкент шаҳрида, вазирлик ва идораларда, балки ҳар бир туман, корхона, муассаса ва ташкилотларда муҳокама қилинган ҳамда унинг якулари тегишли жадвал асосида таклифлар билан Конституциявий комиссияга тақдим этилган.

2-бет

ХИСОБОТ

ФАОЛИЯТГА ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

"Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига кириб борадиган, ҳолислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз"

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ўтган ҳафта Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари,

уюшманинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, журналистика факультетларининг етакчи ўқитувчилари иштирок этди.

1-бет

Хурриятли муштарийлар,

2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна давом этмоқда.

"HURRIYAT"GA ОБУНА БЎЛИНГ!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

МУАММО

АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР ёхуд кўча болалари

Болани ниҳолга, гулга қиёслаймиз. Ниҳолнинг илдизи бақувват, меваси серҳосил дарахтга айланишида, гулнинг эса атрофга ўз ифори ва чиройи билан хусн бахш этишида боғбоннинг меҳнати чексиз. Худди шундай фарзандларимизнинг келажақда етуқ инсон ва ўз касбининг моҳир эгаси бўлишида тўғри тарбия, эътибор, меҳр-муҳаббатнинг ўрни беқиёс. Ана шу уч омилга таяниб иш кўрилгандагина болаларимиз чинакам шахс сифатида камол топдилар. Бироқ кимдир билиб-билмай, ёки бепарволик оқибатида ўз фарзандларини ана шу манзилдан адаштириб қўяди.



Кўча-кўйда чақалоқ укасини опичлаб тиланчилик қилиб юрган, муштдай жуссаси билан бо-

зорларда арава судраб ёки орқасига қоп ортмоқлаган, мактабга бориш ўрнига тиркичилик қилиб юрган воёга етмаган болаларни кўра-

миз. Ёки тунги соат 10-11 бўлишига қарамай, маҳалларда шовқин кўтариб, бир кўлида тамаки, бирида бутилка ушлаган, оғзидан боди кириб-шоди чиқаётган саёқ ўсмирларга кўзимиз тушади. Уларни кўриб, хаёлдан "Бу болаларнинг ота-онаси, қавму қариндошлари борми ўзи?" деган аччиқ савол ўтади.

Худди шу фикр меҳрибонлик уйларида, воёга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоялаш марказларига борганимизда ҳам ҳаёлимиздан ўтди.

Бугун биз катталар хатоси, ота-оналар айби туфайли умрининг энг беғубор дамларини ана шундай марказларда ўтказаётган ўспиринлар тақдирини ва ҳаёти ҳақида сўз юритишни мақсад қилдик. Тошкент шаҳар ИИБ тасарруфидати воёга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоялаш марказида бўлганимизда болаларнинг сўзлари юрагимизни ачиштирди.

6-бет

КОНСТИТУЦИЯ —

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИЯ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Бошланғич 1-бета

Конституциямиз жамият ва унинг аъзолари олдига инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўймоқда. Шундай давлатдагина халқимизнинг муносиб турмуши, ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги таъминланади.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун бутун Конституция тузилмаси бўйлаб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари ва белгиларини белгилаб қўйди. Улар қаторида халқ ҳокимиятичилиги (II боб), ҳокимиятлар бўлиниши (11-модда), ижро ҳокимияти сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият олдига ҳисобдорлиги (78-, 98-моддалар), қонун устуворлиги (III боб), инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларнинг кафолатланганлиги (13-модда, X боб) фуқаро ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги (19-модда), барчанинг қонун олдида тенглиги (18-модда), хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги (46-модда), ўзини-ўзи бошқариш бўлган ҳуқуқ (32-, 105-моддалар), жамоатчилик назорати (32-модда), иқтисодий фаолият эркинлиги (53-модда), фикрлар хилма-хиллиги (12-модда), мустақил суд ҳокимияти (106-модда) кабилар ўрин олган.

Демократиянинг яна бир исботи шундаки, Конституциямиз «Ўзбекистон халқи» деб бошланади. Бундай жумлаларни бошқа бирон бир қонунда учратмаймиз. Бунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятичилигининг эркин далолатидир.

Конституциямизнинг яна бир энг муҳим хусусияти — бу унинг халқ суверенитетини эътироф этганлигида. Асосий қонунимизнинг 7-моддасида асосан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятининг муҳим ифодаси бўлган парламентга бўлган эътибор жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қонун чиқариш органлари мақоми билан тенг бўлса тенгки, кам жойи йўқ. 2009 йилда Кембридж университетда чоп этилган, конституцияшунос тадқиқотчилар М.Стивен Фиш ва Мэт Кроенинларнинг «Миллий қонунчилик органлари учун қўлланма: глобал тадқиқот» номли китобида парламентлар ваколатини баҳолашнинг 32 та предмети ишлаб чиқилган. Ушбу метод бўйича 190 та давлат конституцияларидаги парламентлар ваколатлари Гарб олимлари томонидан таҳлил этилганда мамлакатимиз Олий Мажлисининг ваколати 0,33 индекси билан Норвегия, Швейцария, Венгрия, Словакия парламентлари ваколат даражаси билан тенг ҳолатни кўрсатган. Мазлумот ўрнида қайд этиш жоизки, Нидерландия, Германия парламентининг ваколатлари 0,29, Франция, Италия, Грецияларники эса 0,24 ни кўрсатиб, улар конституция-

ларидаги парламентга ажратилган ваколат бўйича мамлакатимиздан бир мунча қўйи натижани кўрсатган.

Конституция — жамиятни ривожлантиришга қаратилган аниқ дастур вазифасини ҳам бажаради. Утган 25 йил давомида нимаики стратегик ислохотлар амалга оширилган бўлса, барчасининг таг-замирида Конституция ғоялари бўлиши фуқароларга муносиб ҳаёт тарзини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлатнинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, халқ ҳокимиятичилигини кучайтириш, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида фуқароларнинг бевосита ва билвосита таъсирини ошириш, парламентнинг давлат ички ва ташқи сибасатидаги ролини кенгайтириш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда конституциявий ва одил судловнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадлари мумкин.

Конституция миллий қонунчилигимизнинг асоси, таъбир жои бўлса, аниқдир. Ўзбекистонда 400 дан ортиқ яхлит қонунлар қабул қилинган. Барчамиз уларни иложи борича ўрганишга, ҳақ-ҳуқуқларимизни билиб олишга ҳаракат қиламиз. Шуниси муҳими, уларнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз асосий қонун конституциямизда ўз мўқассамини топган.

Айни вақтда қайд этиш жоизки, асосий қонунимиз миллий қонунчилигимизнинг квинтэссенциясини, яъни асосий муҳим жойлари, мағзини ўзида мўқассам этган. Балки шунинг учун ҳам ривожланган Гарб мамлакатларида шахс ўз ҳуқуқлари ҳақида гапирганида қандайдир тармоқ ёки соҳа қонунларини эмас, балки «конституциявий ҳуқуқим» деб гап бошлайди. Чунки, ривожланган демократик давлатларда ҳар бир фуқаро ўз ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қонун ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди. Шунинг учун ҳам, кимки, агар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси, кафолати мавжудми? Ўзбекистон қонунчилигини қисқа, лўнда қилиб тушунириб берадиган ҳужжат борми — деса, баралла айтиш мумкинки, у ҳам бўлса, Конституциядир. Чунки Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини қақсак, бугун бизни қийнаб турган кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз мумкин.

Асосий Қонунимизда давлат инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши

устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Конституциямиз асосий принципларига кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади. Мутафаккир Цицерон айтганидек, «*Salus populi - suprema lex*», яъни халқ, жамият фаровонлигининг ўзиёқ — олий қонун ҳисобланади.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар, яъни фуқаролар манфаатининг устувлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Давлат хизматчилари ўз фаолиятида мен халқ хизматчисиман, деган ғояга таяниб ишлаши лозим.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақевидан қатъи назар, қонун олдида тенгдилар.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдилар. Қадимги рим юристлари айтганидек, «*Obligatio est iuris vinculum*», яъни бурч ҳуқуқнинг муҳим риштасидир. Функининг ҳуқуқини таъминлаш давлатнинг мажбуриятидир. Айни вақтда фуқародан Конституция ва қонунларда белгиланган ўз мажбуриятини бажаришни талаб қилиш давлат органининг ваколатига кирала.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни кел-кетиришга ҳеч қандай ҳаққи эмас. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга қўйиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу қонунлар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлиб, дунё конституцияларининг бебаҳо дурдоналарини ташкил этади. Қадимги рим юристлари айтганидек, «*Iustitia nemine neganda est*», яъни ҳеч кимга одил судловга бўлган ҳуқуқ рад этилмаслиги керак, яна шунингдек, «*Ab omni iudicio provocari licet*», яъни ҳар қандай ҳужм, қарор устидан эътироз билдириб, мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция — халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштирган муҳим манба, миллий қонунчилигимизнинг асоси, тараққиётимизнинг ўзига хос стратегик дастури, «йўл харитаси»дир.

Қадимги рим юристлари «*Libertas est potestas faciendi id, quod iure licet*», яъни эркинлик қонун билан тақиқланмаган барча ишни қилиш имконияти деганлар.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамқоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Юқоридаги қонунлар ҳам дунё конституцияшуносининг бебаҳо хазиналаридан ҳисобланади. Қадимги рим юристлари «*Nullum crimen, nulla poena sine lege*», яъни агар қилмиш учун жавобгарлик ва жазо қонун билан белгиланмаган бўлса ҳеч ким жавобгарликка, жазога тортилиши мумкин эмас. «*Nihil fit sine ratione sufficienti*», яъни етарлича асосларсиз ҳеч қандай иш қилинмаслиги керак. Ҳар бир ваколатни амалга ошириш учун етарлича асос бўлиши керак.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка шайқатни эки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таътиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишни кафолатлайди. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Юқоридагиларнинг барчаси маърифатли дунёда, айниқса ривожланган демократик давлатлар таърибасида оддий фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларида талабининг асоси, ҳимоя қалқони вазифасини ўтайди.

Конституциялари билан беллаша оладиган Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиқинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни кел-кетиришга ҳеч қандай ҳаққи эмас. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга қўйиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу қонунлар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлиб, дунё конституцияларининг бебаҳо дурдоналарини ташкил этади. Қадимги рим юристлари айтганидек, «*Iustitia nemine neganda est*», яъни ҳеч кимга одил судловга бўлган ҳуқуқ рад этилмаслиги керак, яна шунингдек, «*Ab omni iudicio provocari licet*», яъни ҳар қандай ҳужм, қарор устидан эътироз билдириб, мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция — халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштирган муҳим манба, миллий қонунчилигимизнинг асоси, тараққиётимизнинг ўзига хос стратегик дастури, «йўл харитаси»дир.

Мирвазл МИРАКУЛОВ, юридик фанлар доктори

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг, қолганини ҳаётнинг ўзи беради», деган эди Федор Достоевский. Ҳақиқатан бугун ўқилиши зарур бўлган жиддий китоблар кўп. Бунинг учун эса шароит, муҳит ва вақт синовидан ўтган асарларнинг тарғиботи яхшилашни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Баркамол авлод — юрт келажиги» номли грант лойиҳасини амалга ошираётган Қибрай туманидаги «Ифтихор» маҳалласида бўлиб ўтган семинар-тренинг ҳам ёшларни китобга қизиқтиришда оила, маҳалла ва мактабнинг тугган ўрни, китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланди. Тўғри, бировга мажбурлаб китоб ўқитиб бўлмайди. Лекин одам эркин фикр юритиши, энг эзгу туйғуларни қалбига олиб кириш учун ҳам мунтазам китоб ёки газета ўқи туриши керак.

КИТОБ БОР ЖОЙДА ҚАЛБ УЙҒОНАДИ



Болаларни ёшларни китобга қизиқтириш, меҳр уйғотиш учун ота-оналар, муаллимлар, ёзувчи ва шоирлар, ноширлар ўз иштига катта масъулият билан қараётган бир пайтда бунга маҳалладаги ҳам камарбаста бўлаётгани қувонарли ҳол. «Ифтихор» маҳалласида бўлган семинар-тренингда таниқли шоир ва ёзувчилар, маҳалла фаоллари, коллеж талабалари, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди. Эркин мулоқот тарзда ўтган тадбирда сўзга чиққанлар китобнинг аҳамияти ҳақида тўхталаркан, шарҳона ахлоқ-оқибатни, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиши сингари инсоний фазилатларни мутолаа орқали қалбларга синдириш ҳаммининг бурчи эканини тилга олишди.

Албатта, инсон ондан ёмон бўлиб туғилмайди. Ундаги салбий хислатлар носоглом муҳит ёки нотўғри тарбия туйфайли юзага чиқалади. — «Ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва тарғиб этиш» мавзусида ўтказилган семинаримиз маҳалла ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бугун фарзандларимизнинг фикри-зиқрини ҳар хил компьютер ўйинлари банд қилаётгани, ҳаётининг интернет тармоғиди турли сайтлар эгаллаб олаётгани сир эмас. Уларни китобга яқинлаштириш, китоб ёрда-

ришимиз керак. Бундан фақат «Ифтихор» маҳалласидагилар эмас, қўшни маҳалладагилар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Ҳа, маҳаллада очилган кутубхонага борганимизда, нафақат бадиий асарлар, балки ёшларни қизиқтирадиган илмий ва оммабоп китоблар ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдик. Кўпчилик севиб ўқийдиган «Минг бир кеча»дан тортиб, ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари кутубхонага ўзгача салобат бағишлаб турибди. Талбирда иштирок этган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Уктам Мирзаёров ўз қилишида ёшлар қайси китобларни ўқишни хоҳлашини ўрганиб чиқиш, шу кузатишлар асосида ота-оналар, устозлар болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиш учун маҳалла ва мактабдаги кутубхоналарга жалб этиш бора-расида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан тақдим этилган китоблар мажмуаси кутубхона учун қимматли совға бўлди. Таниқли шоир Абдумажид Азим ҳам ўз шеъраларидан намуналар ўқиб бергани семинар қатнашчилари қалбига чўқур таассурот қолдирди.

— Очиғи, шу пайтгача китоб деганда, фақат мактаб дарсликларини тушунарим. Энди билсам, бу тушунча жаҳон адабиёти, умуман, барча яхши китоблар билан боғлиқ экан. Уйда ота-онамиз китоб ўқи деб зорланади, мактабда ўқитувчиларимиз қўлимизга китоб ту-тади, маҳалламизда мўъжазгина кутубхона очилди, бу ҳаммаси яхши, лекин орамизда негадир, китоб ўқийдиганлардан ўқимайдиганлар кўп, — дейди Қибрай туманидаги I-мактаб ўқувчиси Жавлон Комилжонов. — Бунинг ўзига хос сабаблари бор, масалан, ўзим бирор институтга ўқишга кириш учун махсус фанларга оид адабиётлар билан чегараланиб қолганман. Уйдагилар ҳам кўпроқ шунга эътибор қаратган. Баъзи синфдошларимнинг яқинлари эса «Китобнинг йиғини, ўқингани билан таниш-билишсиз ўқишга киролмайсан, ундан кўра бошқа фойдалироқ иш қил!» деб уй юмушларига жалб қилади. Кўпчиликни китобдан севиб кетганининг боиси ҳам шунда. Лекин Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг энг яхши китобхоналарга саврин сифатида «Спарк» машинаси қўйгани яхши иш бўлди. Биласиз, ўғил болаларнинг ҳаммаси машинага қизиқлади, бу танловда ўз билимимизни синаб кўрмоқчимиз. Бу совға миллионлаб китобхонлар орасида қайси омадли тенгдошимизга насиб қилишини ҳозирча билмаймиз, лекин билимдонларга шундай имкониятнинг яратилганини ўзи катта гап.

Тадбирда ҳақиқий китобсеварлар, китоб муҳлислари ҳам даврадагиларнинг фикрларига қўшилиб, китоб фақат жавонни бебаб туриш эмас, маънавий ҳаётимизни бойитишга хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўттиди. Шунингдек, «Ифтихор» маҳалласининг ташаббуси билан «Энг яхши китобхон» танлови эълон қилиниб, фойдалар 2018 йилнинг март ойида, яъни Наврўз байрамида бепул кўнча Самарқанд шаҳрига зиёратга бориши айтилганда, ёш китобхонлар янада тўлқинланиб кетди.

Халқимиз «Бир болага етти маҳалла ота-она» деб бежиз айтмаган. Маҳалладагилар аҳоли ўртасида китобхонлик савиясини юксалтиришга юксак маданий иш деб қараётгани таҳсинга лойиқ. Китоб қанчалик қундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлansa, шунча юксак орзулар, янги ғоялар, фикрлар ва оламшумул кашфиётлар оламида яшаймиз. Юртимизда ана шундай маърифатли, китобхон маҳаллалар қанчалик кўпайса, ёшларимиз онгу тафаккури шунчалик тиниқлашиб бораверади.

Тадбирда ҳақиқий китобсеварлар, китоб муҳлислари ҳам даврадагиларнинг фикрларига қўшилиб, китоб фақат жавонни бебаб туриш эмас, маънавий ҳаётимизни бойитишга хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўттиди. Шунингдек, «Ифтихор» маҳалласининг ташаббуси билан «Энг яхши китобхон» танлови эълон қилиниб, фойдалар 2018 йилнинг март ойида, яъни Наврўз байрамида бепул кўнча Самарқанд шаҳрига зиёратга бориши айтилганда, ёш китобхонлар янада тўлқинланиб кетди.

Халқимиз «Бир болага етти маҳалла ота-она» деб бежиз айтмаган. Маҳалладагилар аҳоли ўртасида китобхонлик савиясини юксалтиришга юксак маданий иш деб қараётгани таҳсинга лойиқ. Китоб қанчалик қундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлansa, шунча юксак орзулар, янги ғоялар, фикрлар ва оламшумул кашфиётлар оламида яшаймиз. Юртимизда ана шундай маърифатли, китобхон маҳаллалар қанчалик кўпайса, ёшларимиз онгу тафаккури шунчалик тиниқлашиб бораверади.

Адиба УМИРОВА, «Hurriyat» мухбири

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА

БУНЁДКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги олдидан Гулистон шаҳридаги «Янги ҳаёт» массивида янгидан бунёд этилган мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар-жараёнда унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ёш авлодининг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истедод ва салоҳиятини кенг намоеён этиши учун барча шароит яратилгани таъкидланди.


316 ўринга мўлжалланган таълим муассасасида «Анварбек» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 мил-

лиард 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Таълим муассасасининг синф хоналари ва лаборатория хоналари замонавий ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар билан таъминланди. 1 минг 500 китоб фондига эга кутубхона, 120 ўринли фаоллар залида барча шароит яратилган. 24х16 ҳажмдаги замонавий спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

— Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар туйфайли фарзандларимиз барча қулайликларга эга замонавий масканларда таълим-тарбия олмақда, — дейди янги қурилган 17-умумтаълим мактаби директори Акмал Отабоев. — Шу пайтгача ўқувчилар 1,5-2 километр йўл босиб мактабга қатнар эди. Конституциямизнинг 25 йиллик байрами олдидан фойдаланишга топширилган янги мактаб биноси ота-оналар, айниқса, ўқувчилар учун муносиб туҳфа бўлди. Бунинг янги мактабга янги орзулар билан қадам қўйган болалар юзидидаги мамнуликда ҳам қўриш мумкин.

А.ҚАЮМОВ, ЎЗА мухбири



**HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021**

Ўз тараққиёти, халқининг фаровон турмуш кечиришини кўзлаган ҳар қандай давлат яқин ва узоқ муддатларга мўлжалланган ҳаракат дастурларига эга бўлиши керак.

Бундай ҳужжатлар одатда концепциялар, давлат дастурлари, ҳаракат режалари, декларациялар каби шаклларда қабул қилинади.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ана шундай тарихий ва халқаро аҳамиятга молик ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичда концептуал аҳамиятга эга бўлиб, давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради. Шунингдек, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган

Турмуш фаровонлиги — бирламчи мақсад

ҳозирги замонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий стратегияси ҳисобланади.

Мазкур стратегия бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, жумладан, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштирмасдан, қонун устуворлигини таъминлашмасдан ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилмасдан туриб, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга эришиб бўлмайди.

Стратегиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида — қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш белгиланиб, унда муҳим вазифалардан бири сифатида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш қайд этилди. Унга қўра, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш долзарб масала сифатида қўйилди. Мазкур вазифани бажариш мақсадида тегишли қонун қабул қилинди.

Унга қўра, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаоли-

ти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судьялик лавозимларига таянлаш ва тайинлаш тизими янада такомиллаштирилди.

Мазкур тарихий ҳужжат прокуратура органларининг республикада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси йўлидаги асосий вазифаларини, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги муҳим устувор йўналишлари белгиланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Стратегиянинг бош мақсади замирида фаровон ҳаёт, ҳуқуқий давлат, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатлари ётибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органлари олдида барча йўналишларда фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида аниқ вазифалар қўйилди. Мазкур вазифаларнинг туб моҳияти, шубҳасиз, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, стратегия инсон манфаатларини қўзғовчи, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари йўлида қабул қилинган тарихий ҳужжатдир.

**Махмуджон ХОДЖАЕВ,
Яккасарой туман прокурори ўринбосари**

Самарқанд вилояти Матбуот уйида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишлаб вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси вилоят бўлими ҳамкорлигида шахмат бўйича «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари соврини учун мусобақа ўтказилди.



Ҳаваскорлар ўртасида тафаккур машқи

Ақлий беллашув доирасида жаҳон ва Осиё шахмат чемпионати голиби, халқаро шахмат устаси Жаҳоҳир Синдоров иштирокида ёш шахматчилар ва ҳаваскорлар учун маҳорат машғулоти уюштирилди.

— Шахмат жуда гаройиб ўйин, — дейди Ж.Синдоров. — Ундаги сир-синоатни бугунгача ҳеч ким тула-туқис ўзлаштирмаган. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида ақл-заковат эгаларини, мил-

лионлаб мухлисларни ўзига ром этиб келади. Шахматчилар орасида шундай ибора юради: «Мен шахматни зўр ўйнамайман, фақат рақибларимнинг хатоларидан фойдаланаман, ҳолос». Шу боис шахмат ўйини икки рақиб ўртасидаги ҳалол курашга қурилади. Аммо айтиш лозимки, шахмат хотирани мустаҳкамлайди, иродани тоблайди, ўзига ишончини орттиради. Бугунги мусобақада қатнашган ҳаваскорлар билан

дона сурар эканман, уларнинг шахматни ўрганиши ва голиб бўлишга интилишидан хурсанд бўлдим.

Муросасиз кечган мусобақанинг эркаклар баҳсида биринчи ўрин Нурубод туманининг Олтинсой маҳалласида яшовчи Х.Сулоновга насиб этди. Иккинчи ўринга Каттақўрғон шаҳар Дўстлик маҳалласидан Ю.Александров лойиқ топилди. Иштихон туманининг Дамариқ маҳал-

ласидан келган Д.Саматов учинчи ўринни қўлга киритди. Аёллар ўртасидаги беллашуларда Самарқанд шаҳрилик Ф.Воҳидовага биринчи, Оқдариқлик Ф.Худойбердиева иккинчи, тойлоқлик Д.Самиева учинчи ўринларни эгаллади.

Голиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар топширилди.

**Абдуғофур ШЕРХОЛОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото)**

Тиббиёт ва шахмат

Кўпчиликда шахмат ўйини болалар руҳияти ёки ақлига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида мулоҳазали фикрлар мавжуд. Ҳатто айримлар уни болага салбий таъсир қилади, деган ўйда ҳам. Шу боис саҳифамизда бу кўхна ўйиннинг тарбиявий ва даволаш хусусиятларини ўрганиш мақсадида бир хорижий нашрда chop этилган мақоладан айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз...

Рухий фаолиятнинг бузилишларини маромга солишда шахматнинг ўрни бениҳоят катта, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Анна Виноградова.

— Айниқса, нозик фелъ-атворга эга ўсмирларда фикрлаш қобилиятини шакллантиришда у муҳим аҳамият касб этади, ёзма ва оғзаки нутқларини ўстиришга

ёрдам беради. Масалан, бир ўқувчи фанни яхши билади, ўрганилаётган мавзу тўғрисида муайян тушуничага эга дейлик. Аммо доскага чақирилиши билан ўзини йўқотиб қўяди, натижада фикрини аниқ ва лўнда ифодалаб бера олмайди. Бу вазиятни тўғри ва тез баҳолай олмайдиган бир мисол бўлиб, бола руҳиятига ёмон таъсир эти-

ши мумкин. Натижада у аста-секин жамоатчиликдан узоқлашиб, аллақачон шундай воқеага дуч келган тенгдошлари доирасига тушиб қолади. Турли-туман тўдаларга қўшилиб доим кўча-кўйда бемақсад юришни ихтиёр этади. Ўқимаслик, бирор иш билан шуғулланмаслик оқибатида бундай болаларда спирити ичимликларга майл пайдо бўлади. Шахмат ўйнаш, ўсмирларда қизиқарли бу ўйинга ҳавас, иштиёқ уяғотиш, улар ҳаётига, юриш-туришига боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш имконини беришни унутмаслик лозим. Биринчидан, шахмат ўйини жараёнда бола ва талабалар турмушида мушкул вазиятларда дуч келганларида оқибат-

да уларни бартараф этиш йўллари ҳаёлан уйлашга имкон бўлади. Унда аста-секин тиришқоқлик, кунг, бардош шаклланади. Шунингдек, А.Виноградова шахмат билан шуғулланиш, ундаги кескин ва нозик вазиятлар ички ҳиссийларни кучайтиради, олдин мавжуд бўлган сусткашлик, масъулиятсизликни бартараф қилади.

Хуллас, шахматнинг ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида ўрни беқисс. Шахмат улардаги носозлом, жамиятга ёт олатларни аста-секин йўқ қилади. Шундай қилиб, шахматнинг руҳий фаолиятларини бирмунча яхшилашга эришиш мумкин.

**Анвар ИНОКОВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси,
шахмат устаси**

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ЖУРНАЛИСТ ШАҲАР КЕЗГАНДА

Ҳар кун кўчага чиқарканмиз, автоуловларнинг кўплигидан тирбандликлар юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Бозорларга яқин ҳудудлар учун бу оддий ҳол. Айниқса, «Ипподром» деб аталмиш учта савдо бозори жам бўлган масканда. Чунки бу ернинг тирбанд бўлмаган куни, соати йўқ. Қачон борсанг, бир хил манзарага кўзинг тушади. Айниқса, дам олиш кунлари бу ерга нафақат от-уловда, балки пиёда ҳам яқинлашишнинг имкони бўлмайди. Бу муаммони ҳал этиш учун тегишли ташкилоту идоралар қанча чора кўрмаяпти, дейсиз.

«Чилонзор буюм бозори», яъни «Ипподром»нинг бошланғич жойидан катта кўчаларда темир панжаралар то «Дўстлик» бозоригача давом этган. Бозорлардан чиқаятган одамлар айнан темир панжара турган жойидан йўлни ажратиб турадиган бетон тўсик устидан ўтишни афзал билдилар. Бу иш билан улар ўзини ва машина бошқариб келаётган киши ҳаётини хавфга қўяётганини билишармикан? Булар орасида юк кўтарганию, ёш боласини етаклагани қанча. Айниқса, момоларимизу қалта юбка, тор шим кийган қизларнинг шундай ҳаракатларини кўриб, нима дейишни ҳам билмайсан, киши. Йўловчилар масофани қисқа қилиш ва манзилга эрта етиб олиш учун жонларини хатарга қўяётганини оқлаб бўлмайди, албатта. Қолаверса, икки қадам нарида ер ости йўлига бўлса... Бунинг устига, бундай қоидабузарликлар қонунан ҳам тақиқлангани ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Қоидага қўра, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи белгиларга бўйсунмаслиги, уларни йўлнинг ҳаракат қисмида белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши энг кам иш ҳақининг 1/3 бараварида (49925) миқдорда жарима белгиланишига сабаб бўлади. (Ўз.МЖТК 138-м).

Яна бир манзара. «Бек Барака» ва «Абу Сахий» савдо марказлари олдидаги тирбандлик ҳам кўпчиликнинг тепа сочини тикка қилади. Бу бугунги гап эмас, кўп гапирилган, ёзилган, аммо... Икки савдо маркази ўртасида тўрт қатор машиналар қатнов йўллари ажратиб турувчи темир панжаралар мавжудлиги ҳаммамизга яхши маълум. Бу бозор оралигида ҳам пиёдалар ҳаракати, уларнинг маданиятсизларча қилаётган амалларига дуч келасиз.

Мисол учун, «Адпоритм» даҳасидан «Бек Барака» савдо мажмуасига қараб ҳаракатланиш учун мўлжалланган йўл четида қўйиб кетилган машиналар ораб олова бўласиз. Чунки йўлнинг бу қисми-

ни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига йўловчи ташийдиган киракашлар эгаллаб олган. Оворагарчиликдан ҳуноби чиққан айрим йўловчилар ҳатто савдо марказига яқин йўл ўртасига ўрнатилган темир панжарани бузиб, «эшигү, тешиклар» очиб олишган. Ундан ўтиш учун йирилган оломонни кўриб, ҳамма бир-бирини туртиб, тезроқ тўйнуқдан ўтишга шошилади. Ҳеч ким гўдагини кўтариб олган оналарга, кексаларга эътибор бермайди. Қисқаси, манзарани кўриб, ўтиб-кайтаётган машиналар ҳозир бирортасини «ана уриб кетади, ана уриб кетади» деб юрагинини ховучлайсиз. Чунки тирбандда гуравериб зериккан хайдовчи ҳам, тез ўтиб олиш ниятида бўлган йўловчи ҳам шошиши табиий.

Нега ушбу панжара ортида шунча одам тўпланади, деган ҳақли савол туғилади. Саволга жавоб топиш мақсадида айрим йўловчилар



билан фикр алмашдик. Улар, масалан, «Кўк терак», «Келес», «Ўрикзор», «Култепа», «Божхона» йўналишларидан Ипподромга қатнайдиغان 481-рақамли «ИСУЗУ» микроавтобуси, шу ва бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган машиналар бемалол йўловчиларни ана шу — тақиқланган жойга тушириб ёки шу жойдан олиб кетар экан. Хайдовчилардан, «Тўхташ мумкин бўлмаган жойга нега одам туширяпсиз?» деб сўраганимизда, «кичик йўлдаги ноқулайлик ва тирбандликлар саба-

КИЧИК ТЎЙНУКНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ



бидан» дея жавоб беришди. «PNAETON TAXI» МЧЖга қарашли «фил суяги» рангли лицензияга эга киракашдан сўраганимизда эса «бизга мумкин» деди қўрслик билан. Ана ҳолос, жамоат транспортини ёки лицензияси бўлатуриб, қонунқондага умуман амал қилмаган хайдовчилар шу ахволда бўлса, қанча кўп гапирмасамиз ҳам бўларди.

Масаланинг ажабланарли томони

ча юргандан кўра, кўчани кесиб ўтиш осонроқ. Улар мажбурликдан темир панжаралар устидан, остидан агар ундай тарзда ўта олмаган тақдирда юқоридагидек тўйнуқлардан ўтмоқда. Йўл ҳаракатини назоратга солувчи инспекторнинг айтишича, бир неча бор ушбу тўйнуқлар билан йўловчи ён тўсиқлар ҳам мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, бу ерда ноҳуш ҳолат юз бермайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Таассуфки, ушбу манзилда балоғат ёшига етмаган болаларнинг ҳам югуриб юрганига гувоҳ бўлдик.

Яна бир муаммоли ҳолат: учала бозорнинг атрофига эътибор қаратганқисиз, ҳар жойда киракашларнинг ноқонуний «питак»ларига дуч келасиз. Бундай киракашларда йўловчи ташиш учун лицензия ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, маршрутсиз таксилар фаолиятини тартибга солувчи йўловчи ташиш учун лицензия ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, маршрутсиз таксилар фаолиятини тартибга солувчи йўловчи ташиш учун лицензия ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Одамлар «тўйнуқчаларни» кайта ҳосил қилишган. Фикримизча, пиёдаларга янада қулайлик яратиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки бозор марказларини боғлаб турадиган пиёдалар учун ер усти йўл ўтказмаларини бунёд этиш мақсадга мувофиқман, деб ўйлаб қолсан, киши. Агар муаммонинг бошқа ечимлари мутасаддилар томонидан назарда тутилмаган бўлса, худди шундай қўтарма кўприклар юқорида айтиб ўтилган «Дўстлик» бозо-

(Таҳлил ва танқид)

ри ёнида ҳам қурилишга эҳтиёж катта. «Бек тўппи» савдо мажмуаси ёнида эса биттагина худди шундай йўл ўтказмаси мавжуд. Аммо бир неча йиллар давомида бу ерда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмай чала қолди кетган. Айни дамда битмаган бўлса-да, ундан аҳоли фойдаланмоқда. Эътибор беринг! Битмаган бўлса-да! Бунинг устига йўловчи хавфсизлигини таъминловчи ён тўсиқлар ҳам мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, бу ерда ноҳуш ҳолат юз бермайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Таассуфки, ушбу манзилда балоғат ёшига етмаган болаларнинг ҳам югуриб юрганига гувоҳ бўлдик.

Яна бир муаммоли ҳолат: учала бозорнинг атрофига эътибор қаратганқисиз, ҳар жойда киракашларнинг ноқонуний «питак»ларига дуч келасиз. Бундай киракашларда йўловчи ташиш учун лицензия ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, маршрутсиз таксилар фаолиятини тартибга солувчи йўловчи ташиш учун лицензия ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мухтасар айтганда, йўлу йўловчи ташиш соҳасидаги кўплаб муаммолар ўз ечимини кутаётгани сир эмас. Уларнинг ҳал этилишига тегишли мутасаддилардан жавоб кутамиз ва ушбу мавзуга яна қайтамиз.

дуч келасиз. Бу икки томонлама йўлми, деб ўйлашингиз тайин. Аммо фақат бир томонга ҳаракатланиш мумкин бўлган бўлса-да, аксарият кишилар бу йўлдан қарама-қарши юришни маъқул қўради. Чунки кўчанинг Абу Сахий бозори томонидан айланаб келишга анча вақт кетади. Машиналарнинг тирбандлигидан вақтинг ҳам, ёнилинг ҳам исроф бўлади. Шу боис кўпчилик шундоққина «Чинни бозор»га кириш дарвозаси ёнидан юришни, тўхташ ёки тўхтаб туриш тақиқланади, деган буйруқли белги бўлишига қарамай, йўловчиларни ўша ерда қутиб оладилар. Лекин бу уларнинг ноқонуний ҳаракатини оқламайди, албатта. Худди шу тартибсизликда юриб, Қўйлиқ ва Сергели туманларига йўловчи ташиётган «Дамас»лар ҳаракатини тартибга солишнинг вақти келмадимикан?! Умуман, бу муаммоларни, мавжуд ахволни тартибга солувчи идоралар раҳбарлари билишармикан? Билишмайди. Чунки бозорга пиёда келишмайди. Ёки бу ҳақда ўйлашга вақт топши олмас керак. Хали ош, хали йиғилиш, хали бошқа ташвишлар дегандай...

Бундай муаммолар фақат ушбу кўрсатилган бозорлардагина эмас, балки шахримизнинг марказида жойлашган «Фарход» бозорига ҳам тегишли. Чунки унинг орқа томони, яъни халқ тилида «зап-час бозори» деб аталадиган кўчанинг ёни, яъни йўлнинг ярмидан кўпроқ қисми улгуржи дехкон бозори ҳамдир. Шу тарзда уч «полоса»ли йўл, бир йўлакчага айланаб қолганига нима дейсиз?! Бирор киши бу савдогарларнинг пишганини пинг демейди, ёки улар учун бошқа бирор жой хозирлаб берадиган мард топилмаётган. Бу каби ноҳуш ҳолатларга ана шу марказий нуқтада ҳам хар қуни дуч келиш мумкин!

Муҳаммаджон ХҲҲАЕВ

ФАОЛИЯТГА ТАҲЛИЛҲАМ НАЗАР

«СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА»



Фармон ТОШЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири:

— Бугун Президентимизнинг журналист олдига, оммавий ахборот воситалари ва умуман ижодкорлар олдига қўйилган вазифалари муҳокима этилди. Журналисти масъулиятини ошириш ҳақида сўз борганда, нафақат республикада, балки жаҳонда рўй бераётган воқеаларга ҳам ўз вақтида муносабат билдириш лозимлиги қайд этилди. Ижод маҳсулларини, воқеаларга муносабатини аввалдан мамлакатимиз ОАВда, иложи бўлса, хориж матбуотида ҳам чоп этиришига эришишимиз керак.

Товар-хомашё биржаси билан Журналистлар ижодий уюшмаси ўртасида меморандум, дўстлик клуби тузилганидан мамнун бўлдим.

Яна эътибор қаратиш керак бўлган бир қанча масалалар бор: аввало, Уюшма қошида журналист кадрларни қайта тайёрлаш курси бўлиши зарур. Журналистика факультетларида сиртқи бўлимини очиб ҳақида ҳам гап бўлди. Масалан, Самарқанд давлат университетида худди шундай бўлимини очиб мумкин, чунки бошқа ҳудудлар каби бизда ҳам ёш кадрларга эҳтиёж бор. Кейин, «Ўзбекистон матбуоти» журналист уюшмаси сектор қўлига ўтган экан, менимча, «Ўзбекистон журналисти» деган янги нашрни ташкил қилиб, мунтазам чиқишни таъминлаш, уни ҳамма ўқий олиши учун арзон баҳода чоп этиш керак. Яна бир тақлиф: журналистлар клублари, кенгашлири ишни яхши йўлга қўйиб, уларга тажрибали кадрларни жалб қилиш лозим. У ёки бу вилоятда ҳар бир масалани оператив ҳал қилганидан таниқли журналистлар иштирокидаги бундай ишчиликлар ОАВда мунтазам бериб борилса яхши бўларди. Буларнинг ҳаммасидан мақсад — миллий журналистиканимизни муҳофизат қилиш, кадрлар салоҳиятини оширишдан иборат.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси:

— Юртбошимизнинг ижодкор зиёлиларига, жумладан, журналистикага қаратаётган эътибори, соҳа ривожига йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари барча ижод аҳлини бирдек қувватлади. Ушбу эътиборнинг самараси ўлароқ, қалам аҳлини бирлаштириб турмучи Журналистлар ижодий уюшмаси айна кунларда моддий-техник базасини янгилаш, қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳалар устида иш олиб бориш арасида. Шунингдек, таълимий керакчи, уюшманинг худудий бўлими фаолияти ҳам ижодий томонга ўзгармоқда.



Ҳар бир худудий уюшмалар журналистларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маҳорат масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари истардим. Маълумки, журналистика соҳасида қабул қиладиган қарорлар камлиги сабабли жойларда кўп қисмида маълум кадрлар фаолият олиб бормоқда. Биргина Фарғона вилоятида 80 дан зиёд босма ОАВ бўлса, шулардан ишлаётган 56 фоиз ходим профессионал журналистик малакага эга эмас. Асосий вазифамиз ана шундай журналистларни қайта ўқитиш муаммосини ижобий ҳал қилишдан иборат.

Шунингдек, юртимизда ва хорижда фаолият олиб бораётган журналистларнинг фикр алмашиш, тажриба ўрганиш мақсадида ўзаро ҳамкорликка жалб этиш ҳам жуда муҳим.

Шерҷон МАШАРИПОВ, «Хива тонги» газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси:

— Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг бугунги йилигида энг эътиборга олинган масала — Уюшманинг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди ва муҳокима мавзусига айланди.

Президентимизнинг жорий йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан ўтказган йиғилишидаги нутқини ҳаяжон билан тингладим эдим. Учрашувдан сўнг эса ўзим ва жамоамга тегишли қатор вазифаларни белгилаб чиқдим. Аввало, ҳар бир вилоят ва туман газеталарида ўрта ҳисобда 20-50 нафардан Уюшма аъзоси ишлашни инобатга олиб, шаҳар ва туман газеталарининг журналистлар бошланғич ташкилоти фаолиятини тубдан ўзгартириш, яъни доимий ишлайдиган ташкилотга айлантириш лозим деб ўйлайман. Иккинчидан, вилоят бўлими фаолиятини кучайтириш, жамоатчилик комиссиялари ишчи қайта ташкил этиш, тажрибали журналистларни республика бўйлаб вилоятларга ва хорижий нашрларга тажриба алмашиш учун хизмат сафарларини давомий йўлга қўйиш ҳам келгусида амалга ошириладиган ишлардир. Бу ҳаммасларимиз фаолиятимизга ўз ишчи самарасини беради. Учинчидан, газеталаримиз тасвирчанлигини, мазмундорлигини янада ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир. Шунингдек, нашрларни ўқилиш қилган ҳолда уларнинг тиражини ҳам оширишига эришиш зарур. Бундан ташқари, газета муассислари билан ҳам самарали ҳамкорликни, жумладан фидойи журналистлар ҳақида китоблар тайёрлаш, ёш ва иқтидорли ёшлардан бери фаолият юритиб келаётган тажрибали журналистларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш мунтазам йўлга қўйиб олак, аминманки, эзгу мақсадларимиз йўлида айна мундоғо бўларди.



Бошланғич 1-бета

Конференцияда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов сўзга чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг 3 август кунин республика ижодкор зиёлилари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Журналистлари ижод



дий уюшмаси фаолиятини янада тақвиятлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар ҳамда Уюшманинг 2017 йилнинг ўтган ўн ойидаги фаолияти якунлари ва галдаги вазифалари ҳусусида маъруза қилди.

С.Ҳақимов мамлакатимиз ўз тарихининг янги даврига қадам қўйганини, барча соҳаларда Ўзбекистон Республикасининг 2017 — 2021 йилларида ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида кенг қўлдан ишлар олиб борилаётганини таъкидлар экан, ислохотлар мубоффақияти, юртимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, барча соҳалар қатори, оммавий ахборот воситалари ривожини, медиа-тузилмаларда фаолият юритаётган журналистларнинг билим ва малакаси, ўз ишга масъулияти ва фидойилиги ҳам борлиқидир, деди.

2017 йил барча ижодий ташкилотлар қатори Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятида ҳам туб бурилиш йили бўлганини алоҳида қайд этиш зарур. Бонис, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан 2017 йил 3 август кунин Тошкент шаҳрида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» деб номланган маърузасида илгари сурилган тақлифлар ва гоёлар ижодий ташкилотлар тарихида янги даврни бошлаб берди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада тақвиятлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 15 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари миллий медиамундирга чинакам қувончли, айтиш лозимки, тарихий воқеа бўлди.

Маълумки, Юртбошимизнинг мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган учрашувида йирик қорхоналар ҳамда ижодий ташкилотлар ўртасида Дўстлар клублари ташкил этиш фойдаси илгари сурилган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига Республика товар-хомашё биржаси хомий этиб белгирилган эди. Ўтган вақт

давомида ўзаро ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, журналистлар малакасини ошириш, ёш ҳамда фахрий журналистларни рағбатлантириш, Уюшма ва унинг муассислигида чоп этилаётган «Хуррият» газетаси таҳририяти ҳамда Миллий матбуот маркази моддий техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликдаги чора-тадбирлар ва Уюшма устидан кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун Биржа томонидан 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Ўз навбатида, Рес-

публика товар-хомашё биржаси фаолиятини ёритиш мақсадида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, икки дўст ташкилотнинг «Дўст билан обод уйинг» веб-сайти ишга тушиш арасида.

«Дўстлар клуби» мақсадли режа асосида Уюшманинг вилоят бўлими ва уларга ҳам хомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

«Илҳом» жамоат фонди ва «Дўстлар клуби» ташкил этилиши Уюшманинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳамкасбларимизнинг ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, муносиб иш ва турмуш шароити яратиб бериш учун катта имкониятлар яратмоқда. Унга биноан Ижодий кенгашлар ишида фаол катнашган журналистлар, тегишли мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш йўлга қўйилди. Таниқли журналистларнинг ижодий кечалари ўтказилди. Байрамлар муносабати билан фахрий журналистларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёш иқтидорли журналистларнинг биринчи китобларини бепул чоп этиш, мамлакат тарихини белгиладиган туб ислохотлар мазмун-моҳияти чуқур очиб берилган, замонамиз қаҳрамонлари образлари акс эттирилган публицистик мақолалар тўпламларини нашр этиш каби хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2012 йилдан Журналистлар ижодий уюшмаси қошида фаолият кўрсатиб келаётган Мониторинг гуруҳи томонидан тақлифлар ва гоёлар ижодий ташкилотлар тарихида янги даврни бошлаб берди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2000 дан зиёд таҳлилий ва танқидий материаллар ўрганиб чиқилди ва журналистлар учун тегишли тақлиф-таъсиялар тайёрланди. Улар асосида йилнинг ҳар чораги якунида «Хуррият» газетасида «Журналист сўзи жамоатчилик эътиборида» туркумида таҳлилий мақолалар чоп этиб келинмоқда.

Жамият тарихини таъминлаш нуктадан муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан жамоатчилик назоратини шакллантиришда ОАВ ходимлари фаолиятини ошириш тўғрисида кунда ҳар қачонгидан муҳим бўлиб турибди. Мазкур йўналиш бўйича журналистлар учун ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 40 дан ортиқ конференциялар, давра суҳбатлари, ўқув семинарлари ташкил этилди.

Ёшлар — юрт келажаги. Ойлада яхши тарбия топган, таълим муассасасида зарур билимларни эгаллаган йигит-қизларга эртага бемалол энг масъулиятли вазифаларни юқлаш мумкин. Фақатгина улар-

га доимий эътибор қаратиш, ҳар бир соҳада устоз-поғирлик анъаналари асосида ёшлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш керак. Жумладан, журналистикада ҳам бунинг аҳамияти беқисс. Бу ҳақда сўз юритар экан, замонавий миллий журналистика мактабининг яратилиш кўп жиҳатдан, аввало, юқсак маънавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир, дея таъкидлади Саъдулла Ҳақимов. Зотан, бир низоҳнинг кўкка бўйи чўзиб, баркамол дарахт бўлмоғи учун зарур муҳит — унумдор ер, сув, офтоб нури, борбон меҳри талаб этилгандек, бир ёш йигит ёки қизнинг профессионал журналист бўлиб қамол топиши учун икки муҳим омил зарур. Бу — университетдаги таълим ва таҳририй амалиёт. Олий ўқув юрти ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликсиз мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу маънода Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари — Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Улар билан ҳамкорликда ўтказилган «ОАВни малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари» мавзусидаги матбуот анжуманида соҳани замонавий билим-қўникмаларга эга малакали кадрлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда адабиёт, театр ва кино, мусиқа ва тасвирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари учун Ўзбекистон ёш ижодкорларининг семинарини ташкил этиш фойдасини илгари сурган эди. Бу фойда амалга ошириш борасида ушбу йўналишларда фаолият олиб борувчи тузилмалар томонидан муайян ишлар қилинди. Бу йўналишдаги дастлабки илмий-амалий анжуман ташкил этилиб, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 19 сентябрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳукуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш борасидаги тақлифи юзасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди. Ижодий уюшмаларнинг бу борадаги ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.



Бир инсон муайян соҳада узоқ йиллар меҳнат қилади. Бу билан у нафақат ўз шаъни, обрўси, оиласи фаровонлиги учун, балки эл-юрти, жамияти равнақи йўлида хизмат қилган бўлади. Мамлакатимизда бундай фидойи инсонлар кўплаб топилди. Улар ҳаминча халқимиз, давлатимиз эътиборидадир. Хусусан, кўп йиллар матбуот, радио ва телевидение соҳаларида тер тўққан жонқуяр ватандошларимизни, фахрий журналистларини ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фахрий журналистларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмағида 9 май — Хотира ва кадрлар кунини муносабати билан Миллий матбуот марказида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган 40 нафар ҳамкасбимизга 303 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди, улар учун байрам дастурхони ёзилгани ана шу эътибордан бир шиндил, холос.

Республика «Нуроний» жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, уларнинг жойлардаги бўлими амалий кўмағи ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси худудий бўлимидаги фахрий журналистлар республика даму олиш уйлари ва саноаткорларида бепул саломаатликларини тиклади.

25 — 27 октябрь кунлари эса Республика Товар-хомашё биржаси хомийлигида эхтиёжман 15 нафар ОАВ фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 300 минг сўмлик 15 хил озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Бу анъана, насиб бўлса, бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Уюшма томонидан халқаро алоқаларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2 март кунин Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари — Элчи ўринбосари, маслаҳатчи Чжан Вэнчунан ва элчихонанинг снэйсий бўлими биринчи котиби Фэн Хайман Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси меҳмони бўлдилар.



Дўстона руҳда ўтган самимий учрашувдан кўзда тутилган мақсад — икки мамлакат халқларини бир-бирларига янада яқинлаштириш, бир-бирларининг ҳаётларидан мунтазам хабардор бўлишлари учун оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Учрашувда икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Келишув натижасида жорий йилнинг 25 август — 1 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикасига медиатор ташкил этилди ва унда етти кишидан иборат ўзбек журналистлари делегацияси иштирок этиди. Бир ҳафталик медиатор давомида журналистларимиз Хитойнинг Пекин, Нанкин ва Жинан шаҳарларида бўлиб, маҳаллий ва мамлакат аҳамиятига молик

Конференцияда, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуриндаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси ўринбосари Гавҳар Алимова, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лазиз Тангриев, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадҷон Обидов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугун мамлакатимизда журналистларнинг эмин-эркин фаолият олиб боришлари учун яратилган имкониятлар, соҳа ривожига йўлида журналистларнинг ўзлари нималар қилиши лозимлиги борасида фикр-мулоҳаза ҳамда тақлифларини билдирдилар.

Элмурод НИШОНОВ, «Hurriyat» мухбири
Суратлар муаллифи Шолазиз ШОХИДОВ

Ёшлар иттифоқи:

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ХОРИЖДАГИ ЮРТДОШИМ!

ШАРҲ

Жорий йилнинг 30 июни мамлакатимиз ёшлари учун эсда қоларли, ёрқин хотиралар билан ёдга олинган санага айланди. Айнан шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, янги, мутлақо замонавий механизм асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон ёшлар иттифоқини тузиш таклифини берди. Ташкилот олдида қатор вазифалар қўйилиб, эндиликда нафақат Ўзбекистондаги, балки хориждаги ёшларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб вазифа сифатида белгиланди.



Делегация таркибида бўлган Тошкент шаҳар бош имом-хатида бўлиб туришарди. Аммо паспортини олдириб қўйишган экан. Делегациянинг ушбу соҳа бўйича махсус вакили ўн нафар ҳамюртимизга ватанга қайтиш учун сертификат тайёрлади. Ушлаб ёшларнинг оилар давомида ололмаётган иш ҳақлари масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Ёшлар ушбу ташрифдан жуда мамнун бўлишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, бир қатор вазирлик ва идоралар, Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходимлари, бир гуруҳ санъаткорлардан иборат делегация шакллантирилди ва унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев раҳбар этиб тайинланди. Делегация аъзолари 30 октябрдан 8 ноябргача Россиянинг Москва, Астрахань, Новосибирск ва Санкт-Петербург шаҳарларида таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашувлар ўтказди. Ушбу учрашувларга келювчилар билан ушбу телеграм мессенжериде ёшлар канали ташкил этилди ва бу қўп сонли ҳамюртларимизнинг муаммоларини ўрганишда янада қўлайлик яратди.

вагонда саккизталаб киши яшаётгани, овқатланиш ва ҳатто ювиниш учун ҳам ўша жойда нарибери шароит яратилгани маълум бўлди. Бунинг қарангки, мигрантларнинг кўпчилиги қўшнилари, дўстлари қистови билан, автобусни тўлдириб ушбу йўлга чиққани, қўлида бир сўм пули йўқлиги боис охири-охири иш берувчилар қарздор бўлиб, фуқаролик паспортини олдириб қўйишган экан. Делегациянинг ушбу соҳа бўйича махсус вакили ўн нафар ҳамюртимизга ватанга қайтиш учун сертификат тайёрлади. Ушлаб ёшларнинг оилар давомида ололмаётган иш ҳақлари масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Ёшлар ушбу ташрифдан жуда мамнун бўлишди.

Делегация аъзолари билан Новосибирск вилояти губернатори ўринбосари, ёшлар ташкилоти раҳбарлари, иқтисодиёт соҳаси бўйича масъул ходимлар ҳамда меҳнат мигрантлари иштирокида ўтган учрашув самарали бўлди. Новосибирск губернатори Ўзбекистон делегациясини ўн йил кутганини ва ушбу ҳамкорлик икки давлат манфаатларига тўлақонли хизмат қилишини таъкидлади. Мулоқот давомида яқин кунлар ичида Новосибирскда Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти тузилиши айтилди.

Кузатишлар ва ўрганишлардан маълум бўлдики, Новосибирск бозорларида савдо қилаётганларнинг 60 фоиздан ортиги Ўзбекистон фуқаролари экан. Қарангки, биргина ушбу вилоятда 12,5 минг нафар ҳамюртимиз истиқомат қилар экан. Асосан Фарғона vodiysi ёшларининг иборат савдогарлар билан ёшлар етакчиси очик ва самимий мулоқот ўтказди.

Новосибирск меҳнат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида бўлган учрашув ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани ва келгусида ўзбекистонлик ёшлар билан тизимли ишларни олиб боришда ижобий қалам бўлди. Доимий ва тизимли ҳамкорлик қилиш бўйича Меморандум имзоланган бўлиши олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Новосибирск ёшлар ташкилоти бўлими ўртасида ҳам ҳамкорлик қилиш имзоланди. Ушбу Меморандумда келгусида Ўзбекистонлик ёшларни ҳушдор бўлишга вазифалар белгиланди.

Ватанимиздан бизни йўқлаб келишларини кутмагандик, — дейди сурхондарёлик 25 ёшли йигит Неъматулло Истамов. — Делегация аъзолари билан бўлган учрашувларда қатнашиб, фикрларим ўзгарди. Икки йил аввал Санкт-Петербургда кетгандим. Қурилиш маҳсулотлари ишлаб

“ҲАР БИР ЎЗБЕК ФУҚАРОСИ — ЖИГАРИМИЗ”

Ушбу сафар таассуротлари ҳақида сўраганимизда, делегация аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Муҳожиротда ишлаётган, ўқитган ҳамюртларимиз, ёшлар аҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ёрдам кўрсатиш йигирма олти йилда биринчи марта амалга оширилди. Ҳуқуқмат ташаббуси ёки ўш хохшилари билан ўқитган ёшлар билан учрашганимизда, уларнинг устозларининг ижобий фикрлари эшитдик. Айниқса, Санкт-Петербургдаги нуфузли университетларнинг ректорлари учрашувларга келиб, ўзбек ёшларини булар интизомли, аълочи талабалар дейишганда, хурсанд бўлдик. Аммо арзимаган машоққат учун ўзга юртларда, ачинарли шароитларда сарсон бўлиб юрган ҳамюртларимиз ҳақида бундай деълмаймиз. Делегациямиз раҳбари Қаҳрамон Қуронбоев Новосибирск, Астрахань, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарлари раҳбарияти билан фуқароларимизга енгиллик яратиб борасизда фикрлашиб олди. Биз санъаткорлар эса улар учун концерт дастурлари намойиш этиш билан бирга, ёшларни юртимизда

ги бугунги шарт-шароит, янгиликлардан огоҳ этиш мақсадида тарғибот ишларини олиб бордик. Учрашувлар давомида англадикки, анча пайтдан буён ўзга давлатда бўлганларнинг кўпчилиги юртимиздаги ўзгаришлардан бе-хабар, фақат президент ўзгарганини билади, холос. Тадбиркорликни эндигина бошлаган ўғил-қизларимизга катта миқдорда имтиёзли кредитлар берилди, бошланғич тўловларсиз узоқ муддатли кредит асосида уй-жойлар тоширилди, бундай имкониятлардан уларнинг ҳеч бири воқиф эмас. Мана, жорий йилда юртимизда 600 мингта иш ўрни яратилди. Уша санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайдиган жойларда яшаб, юз, икки юз доллар учун қора ишларни қилиб юрганлар билан суҳбатлашганимизда, улар кимнингдир катта ваздасига учиб, бориб қолишгани маълум бўлди. Қурилиш соҳаси бўладими, бошқани шу ишларни ўзимизда ҳам қилиш мумкин-ку! Бошқа юртда гишт қуйишга уялмаган одам, нега ўз юртида уялиши керак?! Бунга сабаб уқувсизлик, ватанпарварлик ҳиссини англамаслик, деб уйлайман. Сафаримиз чоғида дилимизни ҳуфтон қилган яна бир жиҳат бу ўзбеклар қатнайдиган масжидлардаги манзаралар эди. Айни пайтда Россияда кенг тарқалиб бораётган “Салафийлар” диний-экстремистик оқимига моҳиятини англаб-англамай қўшилиб кетган фуқароларимиз ҳам бор. Ёки Санкт-Петербургдаги бир масжидда бўлганимизда, доғистонлик, чеченистонлик кимсалар экстремизмни тарғиб қилувчи “Ассалам” нашрининг бемалол тарқатиб юрганга гувоҳ бўлдик. Бугун нотинчлик, уруш авж олган Сурия, Ироқ, Афғонистондаги вазиятдан ҳаммамиз яхши хабардоримиз. Шу урушлар туфайли сарсон юрган миллионлаб қочқинлар, ёш болаларни кўриб, уларнинг қанчадан-қанчаси ҳалок бўлаётганини эшитиб, ўз оёйишга юртинг қадрини тушунасан киши. Бундай манзаралар ҳеч ким ўз ватанидан кечиб бахтли яшай олмаслигини англади. Учрашувларда фуқароларимизга шуларни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Давлатимиз раҳбарининг топириги билан ташкил этилган делегация сафаридан қўзланган мақсад ҳам иш излаб кетган ёки тўғри йўлдан адашган ҳамюртларимизни ватанга қайтариш, дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин, ҳар бир ўзбек фуқаросидан хабардор бўлиш, улар жигаримиз, халқимизнинг бир бўлаги эканини унутмаслик эди. Қўллаб ёшлар уларни йўқлаб борганимиздан хурсанд бўлишди, кўпчилигининг “ватанимга қайтаман, ишни ўз юртимда давом эттираман”, дея қарор қилишгани сафаримизда ўз самарасини берганидан далолат эди, демак, мақсадга эришдик...


Ҳа, делегациянинг ушбу сафари ўзбекистонлик ёшлар ва меҳнат муҳожирларини учун узоқ кутилган амалий иш бўлди. Икки бор Россия ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида Меморандум имзоланди. Унда 2018 йил учун ташкилотларнинг ҳамкорлигида иш режасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Қолаверса, Ўзбекистон — Россия ёшлари бизнес инкубаторининг очилиши ва мамлакатимиз ҳудудида икки давлат ёшлари форуми ўтказилиши белгиланган бўлди.

Холида ФАЙЗИЕВА


ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Инсон ишдан, рўзгор таъширларидан ҳориган ёки асаблари чарчаган маҳал табиат қўйнида, тоғлар бағрида, денгиз соҳилларида ҳордиқ чиқаришни, тоза ҳаводан тўйгунича нафас олишни истайди. Ана шундай маҳал оламини қафтдек кўрсатувчи кузатув майдончалари бўлса аини мудоао. Айниқса, гўзалликни тепадан туриб кузатиш ўзгача завқ ва ҳаяжон бағишлайди. Бугун ғаройиб кўриниши ва жойлашуви ҳудуди билан дунёга машҳур баъзи кузатув майдончалари ҳақида сўз юритамиз.


ДУНЁГА МАШҲУР КУЗАТУВ МАЙДОНЧАЛАРИ



Рўйхатимизни сайёҳларни ўзига оҳанраболек тортувчи кузатиш майдончасидан бошлаёсиз. Колорадо дарёси ёнидаги тоғ қоясида жойлашган Катта қанён кузатув иншоотида туриб, атрофини кузатиш учун инсондан катта куч ва ирода талаб этилади. Сабаби шундан ясалган пол кишида ҳозир кулаб тушгудек фикр уйғотади. Шунга қарамай, минглаб сайёҳлар майдонча томон ошиқлади. Чунки Катта қанён геологик, биологик ва археологик материалларни ўзига муҳасам этган ҳудуд. Ер сферасидаги туртта геологик эра излари ҳам аини шу ерда аниқланган. Табиийки, бу барча учун бирдек қизиқ.



Навбатдаги ғаройиб кузатув майдончаларидан бири жанубий ярим шардаги энг баланд иншоот “Sky tower” (осмон минораси)дир. Ҳар хил сатҳда жойлашган ушбу кузатиш майдончасидан иборат мазкур минора Янги Зеландияда жойлашган. Атрофини тўлагича томоша қилиш имконини берувчи баландлиги 328 метрга тенг мазкур майдончада ўз ўқи атрофида сайланувчи ресторан ҳам фаолият юритади. Бу ерда баландликдан ақраб имконияти ҳам бор. Фақатгина ботир юрак бўлса етарли.



Италиянинг Меринода шаҳридаги дурбин шаклида қурилган Биноқ кузатув майдончаси у қадар баланд бўлмасда, у ерда атрофдаги узумзорлар, боғлар, уйлар манзараси намён бўлади.

Баландлиги 600 метр бўлган Эурландида кузатиш майдончаси Норвегияда жойлашган. Қизғин шундаки, асосий қисми дарё устига тўри келган иншоот қурилишда устунлар денгли ишлатилмаган. Турт томони тоғлар билан ўралган бу ер қишда ўзига хос мафтункор манзара касб этади: қор билан қопланган тоғлар, яшилликни йўқотмаган улкан арчалар ва паства сокин оқаётган сув.

Швейцариялик дунёда энг катта шар кўринишдаги сув саройини барпо этишди. Улар фақат шу билангина чекланиб қолмай, 2010 йилда “SkyView” (осмон кузатуви) номи билан шар кўринишдаги диаметри кичикроқ кузатиш майдончасини саройга бириктиришди. Ушбу кузатув майдончасининг ташқи кўриниши кўёш системасини эслади.

Маълумки, Сингапур анча вақтдан бери архитектура ғоялари билан кўпчиликни лол қолдириб келяпти. Бундан олти йил муқаддам сингапурлик қурувчилар “Marina Bay Sands” меҳмонхонаси томида 12 400 майдон кенглигидаги кузатиш майдончасини барпо этишди. “Sands skyPark” (Сендс осмон боғи) номи билан машҳур мазкур майдонча бурчак қисмида жойлашган бассейндан туриб ҳам атрофини бемалол кузатиш мумкин.

Алп тоғлари устида қурилган улкан куб шаклидаги шишали кузатиш майдончаси исталган томошабинни эсанқиратиб қўяди. Сабаби унга кирган одам ўзини бўшлиққа кириб қолгандек ҳис этади, худдики, ҳозир жарликка йиқилиб тушгудек ёки ҳавода муаллақ тургандек. Балки шунинг учун ҳам иншоот «бўшлиққа қадам» дея номлангандир. Мазкур кузатув майдончасидан туриб, Алп тоғларининг гўзал манзарасига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шаршара марказида туриб атрофини ҳеч кузатганимиз? Агар жавобингиз йўқ бўлса, Бразилия ва Аргентина кенгликларига бирдай қўзилган Игуасу шаршарасидаги кузатиш майдончаси айнан сиз учун экан. Атроф шиддат билан оқаётган шаршара, ён-атроф харсанг тошлару, паст, бироз тин олган шаршара суви... Бундай гўзалликка ошувта бўлмасликнинг иложи йўқ.

Шунингдек, дунёда энг баланд ресторандан ҳам машҳур кузатув майдончаси сифатида эътироф этилади. Жумладан, Дубайда “шоҳ ресторани” таърифи билан ном қозongan “At.mosphere” ресторани ҳам шулар сирасига кирди. Чунки у ерда ҳам тамадди қилиш, ҳам ўзгалликдан баҳраманд бўлиш мумкин.

Жонажон юртимиз Ўзбекистонда ҳам атроф гўзаллигини томоша қилишни истовчилар учун Марказий Осиёда энг баланд — 375 метри Тошкент телеминосари хизматта шай. Миноралдан чор-атрофини бемалол кузатиш мумкин. Маълумотларга қараганда, ушбу туширилган пайтда (1985 йил) ҳахонда баландлиги бўйича Торонто, Москва, Нью-Йорк ва Токио минораларидан кейинги энг баланд иншоот деб тан олинган. Айни пайтда эса у дунёда энг баланд 45 та иншоотдан бири ҳисобланади.

Г.ТУРСУНҲУЛОВА тайёрлади.

УЗОҚ КУТИЛГАН УЧРАШУВ

Делегация аъзолари дастлаб Новосибирскдаги Меҳнат миграцияси ташкилоти вакиллари билан учрашди. Асосан расмий тартибда ишлаётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари манфаатини ҳимоя қилувчи ушбу ташкилот ишчилар учун барча шароитларни яратиб бергани маълум бўлди. Мигрантлар ҳам даярли муаммолари йўқлигини айтишди. Бундан мамнун бўлиш мумкин. Аммо делегация аъзолари норасмий равишда меҳнат мигрантлари яшайдиган ҳудудларга, тўғридан-тўғри хоналарига кириб боришганда, ачинарли манзараларга дуч келишди.

Ярим тунда меҳмонларни кўрган ватандошларимиз қувончини яширмади, албатта. Маълум бўлишича, улар бир неча марта ўша ерда истиқомат қилаётган ўзбек диаспораси вакиллари томонидан алданган. Шу сабабли, ҳамюртларимиз Ўзбекистондан кимдир келиши ва ёрдам беришига ишонмай қўйишган экан. Самимий мулоқотдан сўнг, меҳнат мигрантлари яшаётган жой ўрганилди. Афсуски, юк ташини учун мўлжалланган вагонларда, шунда ҳам, бир

ИНСОН ВА ТИББИЁТ

ҒАРОЙИБ АМАЛИЁТ



Дунёда илк марта инсоннинг бош қисми алмаштирилди. 18 соат давом этган жарроҳлик операцияси Хитойда бўлиб ўтди.

Амалиёт давомида мижознинг умуртқа погонасини тўрилади, асаб тизими ва қон томирларини меърий ҳолатга келтиришга ҳам эришилди. Италиялик нейрорехарох Сержо Канаверо айтишича, амалиёт доктор Жан Сяопин етакчилигида Хитойнинг Харбин тиббиёт университети жамоаси билан бирга ўтказилган. Қизғин, донор ҳам, бемор ҳам оламдан ўтган одамлар эди. Шунинг учун ҳам олимлар тирик одамнинг боши бошқа танага ўтказилса, бу амалиёт муваффақияти келишига ҳозирча қаролат бера олмайдди. Канаверонинг таъкидига қараганда, ушбу амалиёт жиддий ишлар аввалида тажриба бўлди.

УЙКУ БИР МАРОМДА БЎЛИШИ УЧУН...

...зарур озик-овқат маҳсулотлари рўйхати “AOL” нашрида эълон қилинди. Унга кўра, қотиб ухлаш учун кун давомида магний ва триптофанга бой маҳсулотлар — курка гўшти, сули ёрмаси, бодом, банан каби маҳсулотларни истеъмол қилиш керак.

Шу билан бирга, оксилга бой егуликлар ва сабзавотлар ҳам тавсия этилмоқда. Нашрда мазкур маҳсулотлар уйку гормони деб аталган.

Мутахассислар тунда тинч ухлашни истаганларга ўткир хидли, аччиқ ва ёғли озик-овқатлар, кофе, алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилишдан тийилишни маслаҳат беради. Ушбу маҳсулотлар асаб тизимини қўзғатиб, уйқунинг бузилишига сабаб бўлар экан.

ОШ ТУЗИ КЕРАК, АММО...

Халқаро олимлар жамоаси ош тузининг қатор зарарли жиҳатларини аниқлашди. Кўп туз истеъмоли ичак микрофлорасининг бузилишига ҳамда зарарли микроорганизмлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бу эса аста-секин турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади, дейди мутахассислар.

Биологлар бир неча ҳафта давомида сичқонлар устида тажриба ўтказишди. Унда ўртача ва кўп миқдорда туз қўшилган маҳсулотлар билан боқилган кемирчулардаги ўзгаришлар кузатилди. Ун тўртинчи кунга келиб, танасига кўп миқдорда туз кирган жониворларда бактериялар сони ортгани, иккинчи гуруҳдаги сичқонларда эса ақинча ҳолат рўй бергани кузатилган.

УМРНИ УЗАЙТИРИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

Даниялик олимлар алко-гол маҳсулотларини чеклаш ва тамаки чекишни камайтириш орқали қаришни секинлаштириш ва умрни узайтириш мумкинлигини исботлашди. Аслида, бу аввалдан ҳам озми-кўпми маълум эди. Данияликлар ўтказган тадқиқотда фақат инсон кўзи ва терисидан содир бўладиган жараёнлар аниқланди.

Инсоннинг ташқи қариш белгилари биологик ёши билан уйғун бўлиши барчамизга маълум. Айрим кишиларнинг ўз биологик ёшидан кўра каттароқ кўринишини ҳам кузатганимиз. Бунга инсон саломатлиги билан боғлиқ кўпга жижатлар сабаб бўлиши мумкин. Асосий белгилар кўз ва терида намён бўлар экан. Яъни 50 ёшдан сўнг кўз шоҳлардаси атрофида липид қатламлари, терида эса ёғли тошмалар (ксантелазм) пайдо бўла бошлади.

20 минг нафар эркек ва аёл иштирок этган узоқ муддатли таҳлиллар натижасида кўп чекадиган қатнашчиларда юқорида қайд этилган белгилар ҳамда қулоқ солинчагида ажинлар эртароқ пайдо бўлган. Ичучиларда эса ёғ қатламларидан ташқари қолган белгилар кузатилган.

Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.



Ханходжаева Насибоба тегишли Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 270-“А” уй кастра хўжатлари йўқолини туфайли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

ёхуғ кўча болалари

Болаларни 1-бетда

Сабина, 14 ёш, Тошкентдан:

— Онам ногирон, отани эса эсломайман. Бишимча, ҳозир у Дубайда яшайди. Онам бу аҳолида мени боқолмагани учун 8 ёшимда меҳрибонлик уйига топширди. У ерга кўчишим жуда қийин кечди. Тўғри, барча шарт-шароит, усти-боши, овқат муҳайё эди, бироқ ота-она меҳри, ақиллар муҳаббати етмасди. Қариндошлардан хала-тоғларим йида бир мартабагина хабар олишарди. Яқинда меҳрибонлик уйдаси баъзи қизлар билан уришиб қолдим. Кейин у ердан қочиб кетдим. Бироқ милиция ходимлари мени тутиб, шу ерга олиб келишди.

Қанийди, мен ҳам бошқа болалар каби ота-онам билан яшасам... — Кўзига ёш олади.

Раҳмон, 12 ёш, Тошкент шаҳридан:

— Икки укам ва бивим билан яшардим. Нодир 4 ёшда, Дийр 3 ёшда. Отани умуман кўрмаганман, ойим эса Қозғистонда. Бивим нуқла мени қўлиб, ургани учун нотўғри иш қилишдан, унинг жаҳлини чиқаришдан роса кўрардим. Бироқ у барибир мени шу ерга ташлаб кетди. Укаларимни, айниқса ойимни жуда соғиняман, — деди йиғлаб. — Қанийди, ота-онам, укаларим билан бирга яшасам. Аммо бивимнинг ёнига қайтишни сира истамайман, менга шу ер яхшироқ. Чунки бу ерда ҳеч ким мени уришмайди, овқатлари ҳам маза.

Келажакда режиссёр бўлишни орзу қилган Раҳмон фақат ота-оналар ҳақида фильм олишни ниёт қилган.

Сабина ва Раҳмон билан суҳбатлашиб турарканмиз, ёнимизга яна бир қиз келиб ўтирди. Узини Эмени деб таништирган бу қиз 15 ёшда экан. Ундан ота-онаси ҳақида сўраганимизда Арманистонда истиқомат қилувчи онасини ёшлигида бир-икки марта кўргани сабабли элас-элас хотирлашини айтиди. Лекин у билан яшашни истамаслигини таъкидлар экан, у ҳақдаги саволларга гоҳ хўрсиниб, гоҳ асабийлашиб жавоб берди. Суҳбатимиз да-

вомида нигоҳларини яширишга ҳаракат қилар, бошини қуйи солган кўйи ўтирарди. Айтишча, отаси аллақачон иккинчи мартаба оила қурган, болачақали бўлган. Ҳар замонда Эменини кўргани келиб турса-да, йиллар давомида кутгани — волидаси бир марта бўлса ҳам қизи ҳолидан хабар олган. Балки шунинг учун Эмени кўлини унутган, кўзлари муғли, чеҳраси андуҳлидир.

У ҳам Сабинадек меҳрибонлик уйдан қочгани сабаб ҳозир шу ерда. Марказ профилактика инспектори Наргиза Бадалованинг сўзларига кўра, яқинда Эменининг бобоси келиб неварасини олиб кетиш ниятини билдирган. Ҳозир қизни олиб кетиш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Яқин кунлар ичида у ўзи истагандек босиб ва бивиси кучоғида бўлади. Ҳаёт қизиқ-да. Бир буви меҳрибон бўлса, бири тескариси.

Олиб келинганига икки кун бўлган тожикistonлик 15 ёшли Садриддин билан эса суҳбатлашишга бироз қийналдик. Чунки у ўзбекичани у қадар тушунмас, биз эса тожикчадан беҳабар эдик. Аммо Садриддиннинг ўртоғи билан чегарадан ўтиш сабабини аниқлашга, марказга қандай келиб қолганини фаҳмладик. Унинг сўзларига кўра, отаси заводда оддий ишчи, онаси кафедра офисинант. Садриддин иқтисодий томонлама қийналиб қолган оиласида кўмак бериш мақсадида Тошкентга ишлагани келган. Ўртоғи эса Сурхондарёда қолган онасини топиш ниятида. Бироқ Абу Саҳий савдо мажмуасига келган икки ўртоқ бир-бирини йўқотиб қўяди. Орадан 2-3 кун ўтгач, бозорда аравақашлик қилиб юрган Садриддинни профилактика инспекторларидан марказга олиб келишди.

Тожик йигит билан сўзлашар эканмиз, юзқўшдан қилган ишдан пуншаймонлик, оиласи, ота маконига бўлган юрт соғинчи шундоқ сезилиб турарди. Ҳатто “Тожикистонга қайтиб кетсам, бошқа бундай номаъқулчилик қилмайман” деди кўзларига ёш айланди.

Бу болалар марказда вақтинча яшашмоқда. Гувоҳи бўлганингиздек бари турли сабаблар билан келиб қолган. Лекин бу ер-



даги шароит, иссиқ ошу овқат, ходимлар муносабати ҳаммасига бирдек ёқди. Марказ ходимларидан бирининг айтишича, бу ерга келгачина қўлига илк мартаба тўқши асбобларини олган Лёша исмли қиз ҳозир бир-бириндан чиройли кийимлар тўқши билан банд. Тўқши унинг сеvimли машғулотига айланган. Бошқа қизлар эса чеварлик ҳунарини эгаллаш билан машғул.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи мажбурий марказ туну кун (дам олиш кунларисиз) фаолият юритилади. Назоратсиз қолган болалар ва ўсмирларнинг (3 ёшдан 18 ёшга) манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни ёмон ўйларга кириб кетишининг олдини олишга ҳаракат қилади. Қабул қилинган ҳар бир ўсмир билан рўхшундоқ алоҳида психодиагностик, психопрофилактик, психокоррекция машғулотлар олиб боради. Бу ерда барча шароитлар муҳайё: кутубхона, ётқоҳона, меҳнат ва спорт хоналари, ҳатто, ҳайвонлар бурчаги ҳам бор.

Юқоридаги ўсмирлар билан суҳбатлашар эканмиз, бир савол бизни жуда қийнади — бундай ҳолатларда асл айбдор ким ўзи? Шу кунга қадар бивиси уришидан қўчиб, юрагини ҳовучлаб яшаган, уч марта турмушга чиққан онасининг иккинчи оиласидан бўлган, тез кунларда меҳрибонлик уйига жўнатилишидан беҳабар Раҳмонни ёки хорижда яшовчи бобоси олиб кетишига умид боғлаб, туну кун йўлига кўз тиккан, зумла орзулари саробга айланиб вояга еттуни қадар Кўқондаги тарбияси оғир қизлар мактабиде тахсил олишга мажбур Сабина исми қизми? Ёхуд у билан суҳбатлашган ҳар кимсага “тезроқ юртимга жўнатишлар” дея мўлти-

раб боқувчи тожик йигит Садриддинми? Вазият аён бўлса-да, уларнинг бирортасини оиласи бағрига қайтиш, меҳр-муҳаббатга кўмилиб, чинакам бахтли боладек улайиш орзуси тарқ этмаган.

Ҳеч бир фарзанд шубҳа йўқки, яқинлари меҳрини туйиб, эркаланиб, сеvimлиб вояга етишни орзу этмас. Бироқ катталар-чи, ота-оналар-чи? Уларнинг ҳаммаси ҳам боласи учун тош келса кемириб, сув келса симириб яшашга тайёрми? Бу саволга баралла “ҳа” деб жавоб бергимиз келди, афсус, бундай қилолмаймиз. Чунки ўз боласидан тониб, “давлат боқадил” қабилида жигаргўшларидан осонгина воз кечиб, қўнғилхўшликларни, иккинчи, учинчи... турмушлари билан овера “она”лару, боқимандалиқдан ор қилмай, мактаб ёшидаги фарзандини, жазирама ёзда, қаҳратон қишда ҳам кўча, бозорга, худлас қаердан пул топиш мумкин бўлса, барига ишлаган мажбур этаётган “ота”лар кам эмас ораимизда. Аслини олганда, бош қомусимизнинг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуришга қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. “Оила кодекси”нинг 100-модда 1-қисмига биноан эса ота-она вояга етмаган, меҳнатта лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот бериши шарт. Нега энди бутун мамлакатимизда фуқароларнинг ҳаммаси ҳам қонунларда белгиланган мажбуриятларни бажармайтми? Моддий таъминот нари турсин бола учун зарур рўз озукаси — меҳрини бунчалар қизганмаса баъзилар? Бегонанинг боласини “болам”лаб турган маҳал, ота-она ўз қони, жон рипшасидан меҳрини дариф-

тутса! Қорни оч кунлар бўлади, усти юпун дамлар ҳам хотирдан кўтарилади, қаҳратондан совқотган, иш дастидан қаварган қўллар бир кун яна асл ҳолига қайтади. Бироқ меҳр тилаб, меҳр дардида озор чеккан қалб жароҳати умрга татийди.

Бишимизча, вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоялаш марказида ҳар кун болалар сони ўзгариб туради, кимлардир олиб келинади, кимлардир ота-онаси бағрига қайтарилади, бошқа бировлари эса меҳрибонлик уйларида жойлаштирилади. Бироқ дам олиш кунлари ва таътил вақтида ушлаб келинганларнинг 100 тагача етишини эшитиб, ҳатто, ақл шошади. Марказ рўхшундоси Севара Отабоеванинг айтишича, айни шу кунларда қўллаб болалар ҳаммоллик қилиш, нимадир сотиш ёки тиланчилик қилиш мақсадида кўчаларга, бозорларга чиқар экан. Ҳатто шахар кўришини орзу қилган айрим вилоятлик ўсмирлар ҳам икки-уч кунга бўлса-да пойтахт сари йўл олар экан. Ота-онаси, яқинларисиз, ҳеч бир ҳужжатсиз пойтахтга келганларни табиийки, профилактика инспекторлари ушлаб олади. Чунки ҳар ерда қонун ва назорат бор. Жумладан, мамлакатимизда эртамиз эгалари ёшларга, айниқса, вояга етмаганларга эътиборсиз қаралмайди. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши учун жавобгар қанча органлар бор. Бироқ давлат шунчалик эътибор бериб, гам-хўрлик қилиб турган маҳал нега яна ота-оналар шунчалар беэтибор, масъулиятсиз?

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти ўз вақтида дарса келмайдиган, сабоқларни ўзлаштиришда биринчи орда қолаётган ўқувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Айрим ёшларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга мойиллиги эса уларнинг оиласидаги тарбиявий муҳит оғирлиги би-

на натижадан гўшадир. Ҳаётимиз мазмун бўлмиш зурриётларимизнинг соғ-саломат камолга етиши эса бебаҳо бойлигимиздир. Ана шу гўшадан ва бойликдан ўзимизни ўзимиз мосуво этмайлик, азизлар!

Гўзал МАЛИКОВА, “Hurriyat” муҳбири
Файза АВЛАЕВА, талаба

лан боғлиқдир. Вақтида берилмаётган эътибор ва тўғри тарбия, меъридан ошган эркалаш дастлаб шумликка, секин-аста жиноят эшиклари сари етаклаётгани аччиқ ҳақиқат.

Бироқ афсус чеккан билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Шундай экан, чекка туман-худудлар, қишлоқ ёки овулларга қадар ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳолида бўлган барча вояга етмаганларни ва носоглом муҳитда уялган болаларни аниқлаб, мажбур ҳолатга сабаб бўлаётган салбий таъсирларни атрофлича ўрганишимиз керак. Вояга етмаган фарзандларини қариндошлари ёки бошқа инсонлар қарамонига топшириб, ўзи хорижга ишлагани кетаётган ота-оналар сафини камайтиришимиз, иложи бўлса, мажбур ҳолатга батамом чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, жамиятимизда оилавий ажралишларга ҳам қўлдан келганга тўқсинлик қилиш, оилаларни имкон қадар сақлаб қолиш юқоридеги муаммоларнинг олдини олишда анча кўмак беради деб уйлаймиз. Фақат ёшлар билан эмас, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари билан ҳам маҳалла, хотин-қизлар, ҳуқуқ-тартибот идора вакиллари самарали тарғиб-бот-ташвиқот ишларини амалга оширишлари ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Айтиш жоизки, инсон учун зарур барча олижаноб туйғу ва фазилатлар оиладан бошланади. Оиланинг шарқона илдизларидан озиқланиб, давр ва ҳаёт талабига монанд вояга етган фарзандига қонини инсон даражасига даъвогарлик қилиш мумкин. Шундай экан, нафис истидан фарзандларимизни устун қўйлик, уларни бир умр кўзида ёш, қалбда армони билан меҳрибонлик уйгани ёки турли марказларга ташлаб кетмайлик. Эътиборсизликке эмис оқибатда катта ҳаёт остонаси сари илдамлаётган фарзандимизни манзилдан адашишга асло йўл қўймайлик.

Бола кулгуси янраган ҳар бир ошён жаннатмонанд гўшадир. Ҳаётимиз мазмун бўлмиш зурриётларимизнинг соғ-саломат камолга етиши эса бебаҳо бойлигимиздир. Ана шу гўшадан ва бойликдан ўзимизни ўзимиз мосуво этмайлик, азизлар!

Гўзал МАЛИКОВА, “Hurriyat” муҳбири
Файза АВЛАЕВА, талаба

«БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ



— Уйимизда пропискада 10 киши бўлса-да, фақат 2 киши яшайди. Аммо коммунал тўловлар учун неча киши яшаса, шунча одам ҳисобланади. Бу ҳақда айтсак, улар компьютерга киритилган рўйхат асосида тўлайсиз, дейди. Яшамайдиганлар тўғрисида маҳалладан маълумотнома олиб, уни нотариал тасдиқлашти мумкинми?

Мирзо Улғабек туманидан Ф.Сатторов

— Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

Агар Сиз турар жойда яшамайдиганлар ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган маълумотномани нотариусга тақдим этсангиз, ушбу маълумотноманинг нусхаси аслига тўғри эканлиги шаҳодатлангайди. Ушбу ҳолатда нотариус ҳужжатдаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқламайди.




— Шу йилнинг 1 июлдан Тошкент шаҳрида давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан идораларо электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда, кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини онлайн тасдиқлаш тизими ишга туширилиши керак эди. Лекин ҳалигача бу тизим ишга тушгани йўқ. Бунинг сабаби нима?

